



ISSN (E): 2181-4570

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими ва ахамияти

ИИВ Академияси 3-ўқув курси 313-гурух курсанти Курбонов Урол Зиядулла угли

Аннотация: Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларини ривожлантиришда бошқа хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари, уларни тартибга солувчи нормалар ҳамда уларни қўллаш амалиёти ва бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр алмашилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузрлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик статистикаси, полиция, жамоат тартиби ва хавфсизлигин таъминлаш, ноқонуний хатти-харакатлар...

Турли давлатларда маъмурий ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти турлича усуллар, йўллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага ега бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир.

Ҳар бир мамлакатнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими бошқа давлатлардан муайян хусусияти билан ажралиб туради. Ушбу хусусиятни Россия Федерацияси мисолида кўриб чиқамиз. Мамлакат конституциясининг 72-моддасига мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни олдини олиш Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Россия Федерацияси ИИВ Федерацияси таркибига кирувчи республикалар ИИВ лари, ўлкалари, вилоятлар, федерал даражадаги шаҳарлар ички ишлар бош бошқармалари, бошқармалар ва бўлимлар, автоном вилоятлар ва округлар туман ва шаҳар ички ишлар органлари темир йўл, ҳаво ва сув транспорти тармоқ ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари, ички қўшинлар ва тизимга кирувчи бошқа таркибий тузилмаларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Россия Федерациясининг 2016-йил 23-июндаги “Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тизимининг асослари тўғрисида”ги 182-ФЗ-сонли Федерал қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунни





тартибга солиш предмети-Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш соҳасида юзага келадиган жамоатчилик муносабатлари этиб белгиланди. Ушбу қонунда ҳуқуқбузарликга қуйидагича таъриф берилган: ҳуқуқбузарлик-жиноий ёки маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ноқонуний хатти-харакатни ташкил этувчи жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик.

Европа мамлакатлари орасида маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида яна бир ўзига хос тизим Германияда қарор тонган. Германия давлат бошқаруви тизимида полиция асосий ўринлардан бирини эгаллаб, ўз ичига Федерал ИИВ ва Ўлкалар ИИВ ларини қамраб олади. Ўлкалар ИИВ лари Федерал ИИВнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаради, Федерал ИИВ эса субъектлар ваколатига кирадиган вазифаларга аралаша олмайди. Мамлакатда жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини асосан ўлкаларнинг полициялари амалга оширади. Мамлакатда жиноятчиликка қарши кураш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими марказлашмаган бўлиб, ўлкалар ҳуқуқ тартибот хизматлари махсус тартиб бўйича давлат органларидан фарқланади. Ўлкалар полициялари тартибни сақлаш криминал, сувда тартибни сақлаш, сафарбарлик, конституцияни кўриқлаш каби полиция идораларидан ташкил топган бўлиб, улар ичида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан тартибни сақлаш полициянинг фаолияти ҳамма ўлкаларда бир хил.

Европа мамлакатлари орасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос жихатга ега бўлган тизим Буюк Британияда шаклланган. Буюк Британия полициясининг ташкил етилиши ва фаолияти қуйидаги қонунлар билан тартибга солинади: “Полиция тўғрисида” 1964 йил, “Шотландия полицияси тўғрисида” 1967 йил, “Полиция ва жиноий далиллар” 1984 йил, “Полиция” 1996, “Шимолий Ирландия полицияси” 2000, ва бошқалар. Полициянинг жиноий-процессуал фаолияти “Жиноят процессуал ва жамоат тартибининг сақлаш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Буюк Британияда тўрт турдаги полиция тизимлари мавжуд.

Европа мамлакатлари орасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос жихатга ега бўлган тизим Францияда ҳам шаклланган. Франциянинг тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминладиган муниципал полицияси шаҳарлар ва аҳоли турар жойларида жамоат тартибининг сақлайди ҳамда хавфсизлигини таъминлайди ва бу борада улар Миллий полиция





билан узлуксиз ҳамкорликда фаолият олиб борадилар. Франция Миллий полициясига полициянинг барча функциялари, жумладан жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш функцияси ҳам юклатилган бўлиб, уларни самарали таъминлаш мақсадида унинг таркибига 20 га яқин бош бошқарма, бошқарма, марказ, институт ва хизматлар фаолият олиб боради. Миллий полицияси таркибидаги Жамоат хавфсизлиги бош бошқармасининг асосий вазифаси бевосита жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигин таъминлашдан иборат.

Сўнги ўн ярим йил ичида Япония жиноятчилик статистикаси барқарор равишда кўтарилиб борди. Аммо шунга қарамай, Япония жамияти саноати ривожланган мамлакатлар орасида энг хавфсиз ҳисобланади. Мавжуд статистик маълумотларга ега бўлган дунёнинг 137 мамлакати рўйхатида қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар орасида Япония 107-ўринни егаллаб турибди. Қўшма Штатларда ҳар 100 минг аҳолига 737 маҳбус тўғри келади (биринчи ўрин), Россия-611 (иккинчи) ва Японияда-62. Бу Англиядан 2,5 барабар кам, Австралиядан 2 барабар кам ва Канадага қараганда 1,5 барабар кам. Японияда жиноятчиликга таъсирининг таъкидланган ўзига хос хусусиятлари жиноятчиликга қарши кураш самарадорлигининг асосий омиллари-интенсив таълим ишлари ва тезкор-қидирув ва тергов фаолиятининг юқори натижалари билан бирлаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т : “Ўзбекистон”, 2017.-80б
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни (2014 йил 14 май) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,
- 3.Приказ МВД России № 1166 (31.12.2012 г) “Вопросы организации ости участковых уполномоченных полиции” //www.rg.ru//uchastkovie-dok.html.
- 4.Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сон (12.07.2017)

